

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ⇨ Chorshanba kunlari chiqadi ⇨ E-mail: hurriyat@mail.ru ⇨ http://www.hurriyat.uz

## Ушбу сонда:

**2** Кудук: кимга шодлик, кимга ташвиш келтирди



Шундай қилиб, қариб элли йилга яқин фаолият кўрсатиб келаётган, аввалги шифохона вориси бўлган "Нурбулоқ БДМ" ИЧЖ кудуксиз қолди: ҳар иккала кудукка нисбатан бўлган эгаллик ҳуқуқидан атиги бир ярим ой ичида буткул маҳрум бўлди.

**3** Бўлинган дунёни қайта бўлишга уриниш



Агар муз эриши шу тариқа давом этса, мазкур ҳудудда Шимолий Американи Осиё билан боғловчи энг яқин йўл очилиши ҳам мумкин. Бу ҳозирда Панама орқали ўтаётган йўлдан 6500 км яқинроқ бўлади.

**4** Адибнинг бир нутқи



Абдулла Қаҳҳор ўз нутқида ўзбек адабиёти тарихий тараққийнинг энг мураккаб, энг чигал даври ҳисобланган ўтган асрнинг 20-йиллари адабиёти ҳақида ҳам бир қатор муҳим муаммоларни ўртага қўйди.

**HURRIYAT**га  
обуна йил бўйи  
давом этади.  
Газетамизни ўқиб боринг,  
ютқазмайсиз!  
Нашр кўрсаткичи — 233

## Анжуман

# Ислом қуёши порлаган юрт

“Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро конференция давом этмоқда

Тошкент шаҳри жуда кўп нуфузли анжуманлар, олий даражадаги учрашувларга мезбонлик қилган. Бироқ бу галги халқаро анжуман барча тадбирлардан ҳам эсда қоларлироқ бўлди.

Хабарингиз бор, Тошкент шаҳри Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти — ISESCO томонидан 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган эди. Кеча пойтахтимизда ана шу қувончли ҳодиса муносабати билан “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро конференция иш бошланди.



Таъкидланган. Шундан кейин тадбирга ташир буюрган нуфузли меҳмонлар ўзларининг самимий кутловларини изҳор қилдилар. Исфаҳон шаҳри ҳокими Сайед Нежод Ислом маданияти пойтахти бўлган рамзий калитни Тошкент шаҳри ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаевга топширдилар.

Анжуманда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан ташир буюрган 100 ортиқ таниқли олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, уламолар, дин пешволари қатнашмоқдалар. Меҳмонлар орасида Ислом Конференцияси ташкилоти Бош қотиби Акмалиддин Эҳсон ўғли, Араб Давлатлари Лигаси Бош қотиби Амр Муса, ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Муса бин Жаъфар бин Ҳасан каби нуфузли халқаро бирлашмалар раҳбарлари, шунингдек, хоржий давлатларнинг ҳукумат аъзолари, вазирлар, таниқли олимларни кўриш мумкин.

Конференция давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг халқаро анжуман иштирокчиларига табрик мактубини ўқиш билан бошланди. Табрикни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов ўқиб эшиттирди. Унда мамлакатимизда кўп асрлик исломий маданий меросини асраш ва келажак авлодга етказиш йўлидаги хайрли ишлар бардавом бўлиши

шарти (Исфаҳон шаҳри 2006 йилда АЙСЕКО томонидан Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган эди).

Имом ал-Бухорий илмий-маърифий маркази раҳбари, профессор Зоҳидулла Мунавваров анжуманда “Ўзбекистон — ислом цивилизациясининг муҳим маркази” мавзусидаги асосий маъруза билан иштирок этди. Анжуманнинг асосий қисми янунланганидан кейин иштирокчилар олтинга секцияга бўлинган ҳолда муҳожама ва мунозараларни давом эттиришди. Секцияларда Ўзбекистон ҳудудида ислом цивилизацияси ривожланиши хусусиятлари, Шарқ ўғониши даврида олоҳиёт ва дунёвий билимларнинг тараққиёти этиши, Марказий Осиё мутафаккирларининг ислом ривожига қўшган ҳиссаси, маънавийлик ва санъатнинг тараққиёти этиши каби мавзулардаги қизиқarli маърузалар тингланди. Мунозара ва маърузаларда Миср, Тунис, АКШ, Қувейт, Иордания, Хиндистон, Хитой, Япония, Франция, Буюк Британия, Нидерланд

Акмалиддин Эҳсон ўғли, Ислом Конференцияси ташкилоти Бош қотиби:




— Икки дарё оралғи — Амударё ва Сирдарё бўйида вужудга келган буюк маданият дунё цивилизациялари тарихида алоҳида ўрин тутди.

Бугун ана шу табаррук заминда ўтаётган халқаро анжуманда иштирок этаяётганлар бағоят хурсандман.

Сизнинг мамлакатингиздан етишиб чиққан ҳам диний, ҳам дунёвий билимларнинг етук намоёниси бўлган зотлар ҳажон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Масалан, Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг муборак сўзларини саҳиҳ китобга жамлаган Имом ал-Бухорийнинг хизматларини таърифлаб адо қилиб бўлмайди. Қолаверса, улафони рошодонлардан бўлган Усмон бин Аффон (р.а.) даврларида китобат қилинган Мусхафнинг Тошкент шаҳрида сақланаётгани ҳам бу юртининг Ислом дунёсидан нечоғлиқ қадр-қимматга эга эканини тасаввур этиш учун кифоя қилади.

Амр Муса, Араб Давлатлари Лигаси Бош қотиби:



— Аслида Тошкент шаҳри бундан анча олдинроқ Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши керак эди. Чунки бу қадимий

шаҳар Ислом дунёсидан барча даврларда ҳам муҳим ўрин тутиб келган. Бу заминдан шу қадар кўп олимлар, файласуфлар, шоирлар етишиб чиққан, улар ҳудуд нур янглиғ Ислом дунёсини ёритишган, нафақат Шарқ, балки бутун инсоният ўғонишига беғимисл ҳисса қўишган.

Бугун Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакатнинг тарихий шухратини тиклаш, ислом меросини асраб-авайлаш йўлида қилинаётган ишлар бизни мамнун этади. Бу, айниқса, дунё мўқёсидан соф исломий ақидага турли гаразли кулар томонидан таҳдид қилинаётган ҳозирги пайтда ўта аҳамиятлидир.


Мустафо Аҳмад Али, Фан, маданият ва таълим масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO)нинг махсус вакили:



— Ўзбекистонда исломий меросини асраш, авлодларга етказиш бўйича сунғи йилларда амалга оширилган ишлар қалбни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, ислом фани, маданияти ва таълимини ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон ҳукумати ташкилотимиз раҳбарияти ташаккурини билдираман. Халқаро анжуманнинг бу қадар ушшоққоқлик ва юқори савияда ташкил этилгани бизни қувонтиради. АЙСЕКО ҳамда Ўзбекистон ўртасида исломий меросни кўз қорачийи каби авайлаш йўлидаги ҳамкорлик бундан кейин ҳам давом этишига умид қиламан.

Муса бин Жаъфар бин Ҳасан, ЮНЕСКО бош конференцияси раиси:



— Бағдод шаҳри хижрий II асрда дунёнинг буюк тамаддуни маркази ўлароқ донг таратган эди. Ушундан халифга Хорун ар-Рашид

бошчилигида ташкил этилган “Байтул-ҳикма” да улғу алломаларнинг бебаҳо асарлари яратилди. Ислом маданиятининг 2007 йилдаги пойтахти деб эълон қилинган Тошкент шаҳрини шонли илм-фан маркази бўлган Бағдодга қиёслаш мумкин. Чунки Тошкент ҳам кўп асрлар давомида минтақанинги илм-фан маркази сифатида шухрат топган.

Нурия ас-САБИҲ, Қувейт давлати маориф ва олий таълим вазири:



— Қувейт халқи-га Ўзбекистон мамлакатини номи жуда яхши таниш. Мамлакатингизни дунё илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган олимларингиз орқали билдимиз. Мана шу муаззам юртдан етишиб чиққан Имом ал-Бухорий, Абулқосим аз-Замашарий каби алломаларнинг китобларини ҳозир ҳам юртимиз олий ўқу юртларида дарслик сифатида ўқитамиз. Шу маънода Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб тан олинганини ўзимизнинг муваффақияти-миз каби қабул қилдик.

П. К. Абдул АЗИЗ, Хиндистондаги Алигарх ислом университети ректори, профессор:

— Тошкент қадимий ва улғувор шаҳар сифатида муқаддас динимизнинг маънавий марказларидан бири саналади. Бағдод, Куфа, Қоҳира каби қадимий шаҳарлар қаторида турувчи Тошкент меъморийлик ёдгорликлари ва маънавий бойликлари билан дунё ахлини ўзига жалб этади. Хиндистоннинг кўп миллионли муслмон аҳолиси номидан пойтахтининг мазкур шарафли номи билан қутлайман.

Дунё илмий жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан қўлиб олинган халқаро конференция бугун Самарқанд шаҳрида давом этади. Меҳмонлар анжуман доирасидаги илмий мунозараларда қатнашиш билан бирга шаҳардаги қадимий обидлар билан ҳам танишилади. Анжуманнинг яна иккинчи йилиги Улғубек мадрасасида ўтади.

Давоми 2-бетда.

## Хабар

# Самарқандда наво байрами

“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг дўстлик ва қардошлиқни улғуловчи байрам сифатида Самарқанд шаҳрида ўтказилиши аниқлаб айланб бормоқда. Ўтган аниқлаб фестивалда Германия, Франция, Хиндистон, Япония, Туркия, Озборбайжон, Афғонистон сингари 40 дан ортиқ мамлакатлардан истеъдодли муғанний ва қўшиқчилар иштирок этиб, миллий санъатларини намойиш қилган эдилар.

“Шарқ тароналари” фестивалининг бу йилигисини ҳам юксак даражада ўтказиш учун бошлаб юборилган тайёргарлик ишлари поёнига етиб қолмоқда.

Алоҳида таъкидлаш мумкин, бу йилги VI анжуманда ҳар йилгидан кўп — 50 дан ортиқ мамлакатдан вакиллар иштирок этиш истагини билдирганлар. Шунингдек, ҳар бир мамлакатдан 2-3 тадан фольклор этнографик дасталари қатнашиши ва Регистон майдони саҳнасида чиқиш қилиши кутилмоқда. Швейцария, Словения, Португалия, Люксембург мамлакатларидан “Шарқ тароналари”да иштирок этиш ниятида тушган талабномалар Шарқ мусиқа санъатига Европада ҳам қизиқиш қучаяётганидан далолат беради, десак муболага бўлмайди. Фестивал давомида режалаштирилган конференцияларда дунёнинг энг йирик мусиқашунос олимлари қатнашиши кўзда тутилмоқда. Самарқандда ўтказилаётган фестивалнинг яна бир хусусияти — у мустиқли мамлакатнинг 16 йиллик тўйи ҳамда ер юзининг дурдонаси ҳисобланган азим шаҳар Самарқанднинг 2750 йиллик юбилеи билан уйғунлашиб кетади.

Убайдулло ХўЖАНИЁЗОВ

## Кўрик

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг “Қамолот” ЁИҲ билан ҳамкорликда ўтказилган “Келажак овози” танлови ташкил этилганидан бери кўплаб ижод гунагарлари учун яхши имконият бўлиб келмоқда.

# «Келажак овози»

учинчи бора Янграмоқда



Йилдан йилга танловга қизиқувчилар сони ошиб бормоқда. Бундан ташқари аризалар сони 32 мингга етганидан ҳам билиш мумкин.

6 августдан бери танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят босқичлари ўтказилмоқда. 13 августда Тошкент вилояти ва шаҳар бўйича танлов бошланди.

Маълумки, танлов 6 йўналиш “Тасвирий ва амалий санъат”, “Ахборот ва коммуникацион технологиялар”, “Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар”, “Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа”, “Архитектура ва дизайн”, “Бадий ижод ва публицистика”дан иборат эди. Бу йил улар қаторига янги — “Спорт” йўналиши ҳам қўшилди. Шунга қарамай, йўналиш иштирокчилари сони 7 мингга ташкил этилди.

Танлов ўтказиш қоидаларида яна бир янглик қилинди. Ўтган икки йилда ҳам Республика босқичи голиблари 40 та деб белгиланган, ҳакамлар ҳайъати аъзолари саралаш қийин бўлганини таъкидлашган эди. Эндиги танловда, голиблар сони 120 тага оширилади.

Бир йил аввал танловга миллий мақом берилганлиги қувонч ила тилга олинган эди. Голибнинг имкониятлари эса ўз йўналиши бўйича пойтахтда малака ошириш, лойиҳани амалга татиқ қилишга молиявий таъминланиш бўлган бўлса, бу йилги голиблар олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз имтиёзли равишда қабул қилиниш имкониятига эга бўлиди.

Танловнинг саралаш босқичи бугун ниҳояси-га этади.

Дурдона АЛИМОВА

## Маънавият

Хонамга шошиб кирган Шавкат менга узатган варақда йигирмадан зиёд дарсликлар, бадий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар номи ёзилган эди.

— Илтимос, шу китоблардан керак эди. Шартнома беринглар, — деди у. — Вилоят халқ таълимни бошқармасидан буюртма бор эди.

— Ўқув йили бошланганига анча вақт бор, намунача шошилсангиз, — дедим унга.

— Тўғрику-я, лекин раҳбаримиз китобларни тезроқ топиб, мактабларга тарқатиш керак, деб топшириқ берган. Қашқадарё вилоят китоб савдоси идораси раҳбари Шавкат Бекмуродов билан бўлган бу суҳбат менга шу йил баҳорда содир бўлган бир воқеани эслатади.

Қишлоқ соғинчи, ота-она, қавм-қариндошларни йўқлаш, Наврўз айёмини бирга нишонлаш истагида Сурхон воҳисига отландим. Манзил олиш, ҳайдовчи йигит қамаган, Тошкентдан Шаҳрисабзгача ва яна Ғузурдан тоғ тизмалари орқали юртгача анча масофа.

Машина текис йўлга чиққанида ҳаёлга толдим, атроф кенг дала, ям-яшил дарахтли ва бутунлай йўдоқ майдонлар, йўл бўйлаб қурилган кўркам мактаб, лицей ва коллеж биноларини кўриб, қишлоқларимизда сунғи йиллардаги бунёдкорлик ишлари ва ёшларга яратилаётган шарт-шароитларга қараб, келажак авлоднинг ўйлаб қилинаётган бу улғу яратувчилик ишларининг ҳосили яқин эканлигига ишонсан, киши.

Бир пайт чекка қишлоқ мактаби ёнидан ўта туриб, шу ерда тўхтаб, мактаб шароити билан танишим келди. Танаффус пайти экан, ўқувчилар нималарнидир баҳслашиб, тортишиб туришибди. Бизни кўриб

# Келажакка сармоя

Кўли кўксидан салом бераётган болалар ичидан ўрта ёшдаги, ўзини бошланғич синф ўқитувчиси деб таништирган Ҳанифа исми аёл чиқиб келди. Муаллима мактаб директори юмушлар билан туманга кетганлигини айтиди. Шу пайт бир неча ўқитувчи ва ўқувчилар мени ўраб олишганди, уларга ўзимни таништирдим. Улар мендан “Сиз «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»ни ёзган кишимисиз?” деб сўрашди. Мен уларга ушбу энциклопедия Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилиниб, Бош таҳрир ҳайъати ва илмий-маслаҳат гуруҳлари тузилиб, Ватанимизнинг 5 мингдан зиёд олимларини ўз соҳасининг етук мутахассислари иштирокида яратилганини айтиб бердим. Шунда улар: “Бизнинг кутубхонада энциклопедиянинг барча жилдлари тўлиқ бор”, деб қолдириди. Мен ҳайрон бўлиб, охири жилди яқиндагина чиққан китоб узоқ қишлоқ мактабига қандай келиб қолди, деб қизикдим. Мактаб кутубхоначиси бошқа мактаб кутубхоналарида ҳам энциклопедиянинг тўлиқ жилдлари борлигини айтиди.

Мен қизиқиб, мактаб кутубхонасига кирдим. Кутубхона шинам, ёруғ, лекин китоб жавонлари эски бўлишига қарамай, у ерда фақат бизнинг нашриёт китоблари эмас, балки «Шарқ», «Ўқитувчи», «Чўпон», Гафур Ғулом номидаги ва «Маънавият» нашриётларида чоп этилган янги бадий асарлар ҳам борлигини кўриб, кўнглим янги эди. Ҳавлимдан қайтишда, албатта, вилоят марказига кириб, бундай ибратли иш ташаббускорлари билан танишишни кўнглимга тўғиб қўйдим. Сафар якунида йўл-йўлакай Қарши шаҳрига кирдим.

Кейинги йилларда Юртбошимизнинг эътибори ва ёрдами билан шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгарган, кенг қўчалар, янги кўркам бинолар, тўлиқ қайта қурилган истироҳат боғлари, хиёбонлар, мухташам спорт мажмуалари ва замонавий иншоотлар барпо этилган. Бу ишларга бошқош бўлаётган, айниқса, келажак авлоднинг билими ва қўшимчили бўлиб ўсиши учун гамхўрлик қилаётган кишилар борлигидан хурсанд бўлиб кетасан, киши. Барибир бу ишларнинг моҳиятига етиб бориш учун вилоят Халқ таълимни бошқармасига кирдим. Вилоят мактаб кутубхоналарига етказиб берилаётган китоблар ҳақида қизиқаётганлигимни айтганимда, мени бошқарманин бош услубчиси Жўра Халилов билан учраштиришди, унинг ёнида Нишон тумани бўйича кутубхона услубчиси Ҳамидулла Эргашев бор эди. Улар билан узоқ суҳбатлашдим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» қабул қилинганидан сўнг шахсан вилоят ҳокимининг ўзи мактабларга бориб, биринчи галда кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари аҳоли билан қизиқишини ва яқинда вилоятдаги 1098 та умумтаълим мактаб кутубхоналарининг 300 тасига «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 12 та жилдини олиб берганлигини айтишди. Бундан ташқари, йил охиригача яна камда 500 млн. сўмлик янги ижтимоий-сиёсий ва бадий адабиётлар, синф хоналари учун кўргазмалар — изоҳли плакатлар олиб беришга ваъда берилгани ҳам қувониб сўзлашди.

Қизик, вилоят раҳбари Нуриддин Зай





НИГОХ

# Бўлинган дунёни қайта бўлишга уриниш

Сайёрамизнинг шимолий кутби бўлган Арктика катта энергия манбаларига эга бўлган ҳудуд. Олимлар музликлар маконида улкан нефть ва газ захиралари борлигини айтишганидан буён ҳудудга яқин бўлган давлатларнинг тинчи бузилди (Тахминларга кўра, ҳали ўрганилмаган нефть ва газ конларининг 25 фоизи шу ерда). Ҳозир шундоқ ҳам кураш майдони бўлиб қолган дунё саҳнасида яна бир рақобат чизиги юзага келди.

Хабарингиз бор, яқинда Россия Арктикага ўз кемаларини юборди ва музликлар маконида ўз байроғини ўрнатди. Асрлар давомида сукунат ҳукми суриб келган ҳудудда кемалар пайдо бўлиши Арктика учун кураш бошланганига чакирлик бўлди гўё. Россия шимолий кутбни эгаллаш учун жиддий киришган кўринади. Федерация томонидан Франц-Иосиф ерида ва Баренц денгизининг шимолий-шарқий қисмида ҳарбий ва фуқаролик объектлари куриллаётгани ҳам Кремлнинг мақсади жиддий эканини тасдиқлайди.

МУЗЛИКЛАР МАКОНИГА жуғрофий жиҳатдан энг яқин саналган Канада давлати ҳам Арктиканинг шимолий-ғарбий қисмига асосий даввогар. Шимолий муз океанининг бир бўлаги, айни пайтда Атлантика ва Тинч океанини туташтириб турувчи ушбу ҳудуд стратегик нуқта назардан муҳим аҳамиятга эга. Агар муз эриши шу тарика давом этса, мазкур ҳудудда Шимолий Американинг Осиё билан боғловчи энг яқин йўли очилиши ҳам мумкин. Бу ҳозирда Панама орқали ўтаётган йўлдан 6500 км яқинроқ бўлади.


Яқиндагина расмий Оттава ушбу ҳудудда Канада суверенитетини таъминлаш учун патрул кемалари назорат ўрнатиши ҳақида маълум қилди. Мамлакат раҳбарияти бу йўлда 2 миллиард доллардан ошмироқ маблағ ажратилган ҳам тайёр. Тинчликсеварлик ва ҳарбий можаролардан ҳар доим четда бўлган давлатнинг бу галги баёноти бошқа даввогарларни ҳам ҳушёр торттирди.

Афтидан, Россиянинг дадил қадами кўпдан буён Арктикага кўз тикиб турган Канада ҳукумати ҳам кескин ҳаракатга ундади чоғи...

Балки шу боисдир, Россия байроғи ҳудудга тикилиши ҳодисасига жавобан Канада бош вазир Стивен Харпер музликлар маконига уч кунлик сафар уюштирди.

ҲУДУД УЧУН асосий даввогарлардан бири бўлган АҚШ мазкур икки мамлакатнинг сайё-ҳаракатини диққат билан кузатиб турибди. Бироқ Вашингтоннинг синчков томошани роли ҳам вақтинча. Кўшма Штатлар ҳисоб тўғри келиши билан амалий ҳаракатга тушиши аниқ. Бу ёқда эса муз остига яширилган хазина учун Дания, Норвегия давлатлари ҳам давво қилляпти.

Бу халқро ҳуқуқ деганлари ҳар доим ҳам тушунарли ва мунозарали бўлиб келган. Балки шу боисдир, катта-катта ташкилотлар шафелигида ишлаб чиқилган юзлаб ҳужжатлар, битимлар ижросиз тарих мулкига айланиб кетяпти. БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенциясига асосланаётган Москва наздида мамлакат ўзига чегарадош ва яқин минтақада жойлашган ҳудуднинг табиий бойликларига эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Канада эса шимолий-ғарбий қисмини мамлакатнинг ички денгиз ҳудуди деб ҳисоблайди. Оттава наздида Мичиганга Америка қандай ҳақли бўлса, Канада ҳам шимолий ҳудудларга шунчалик ҳақли. Вашингтон эса минтақа очик уммоннинг бир



қисми экани, шундай экан, ҳар қандай мамлакат Канада ёки Россия руҳсатисиз у ерга кириши мумкинлигига ургу беради. Очиги, ушбу муаммони ҳам халқро ҳуқуқ эмас, мамлакатларнинг ҳарбий қудрати ҳал қилади. Кимки улкан ҳарбий салоҳиятга эга бўлса ва ташаббуси ўз назоратига ола билса, ўшанинг айтгани айтган, дегани деган бўлади. Ана шу ишончга сунган Россия Арктикага кемалар юборяпти, Канада эса ҳуқумат раҳбари сафарини уюштиряпти. Ҳозирдан айтиш мумкинки, агар катта давлатлар шу тарика дадил ҳаракатда давом этса, иқтисодий ва ҳарбий имкони чекланган давлатлар иложисиз уларга ён беради. Худуд назорати ҳам биринчи бўлиб ҳаракат қилган томонга ўтиб кетади.

Россиянинг ҳарбий қудратига ку шубҳа йўқ. Совуқ уруш замонидан бери куруланишга зўр бераётган мамлакатнинг жангарчи табиати борасида гап бўлиши мумкин эмас. Лекин Канада ҳақида якуний ҳулоса айтиш қийин. Гарчи ҳудудда ўз назоратини ўрнатиши илҳом қилаётган бўлса-да, Оттава бошқа мамлакат кемаларига қарши туролмайди.

ТАРИХДА ҲАМ, бугунги кунда ҳам денгиз маконида ҳукмрон

бўлиш учун икки омил талаб этилади: ҳарбий қудратда тенгсизлик ва географик жиҳатдан худудга яқин бўлиш. Мазкур шарҳлардан келиб чиқилса, устуңлик Россия томонидан деган дастлабки тахминий ҳулосага келиши мумкин. Нега деганда, Россия зикр қилинган шартнинг ҳар иккисига жавоб беради. Бошқа даввогарларда эса у ёки бу имконият этишмайди. АҚШда талаб қилинган даражада ҳарбий қудрат мавжуд, лекин мамлакат Арктикадан бироз узоқроқда жойлашган. Канада Арктика билан девдорарийен қўшни, лекин муҳожирлар мамлақати етарли ҳарбий қудратга эга эмас.

Кўллаб Гарб таҳлилчилари ҳозирги шароитда янги табиий захиралардан тузуқроқ улуш олиш учун Канада ва АҚШ биргаликда ҳаракат қилиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Тўғри, Вашингтон ҳам шимолий ҳудудни Канада томонидан яқна назорат қилинишини истамайди. Лекин юқорида айтилганидек, ҳарбий соҳада оқсётган Оттава барибир иккинчи даражали муаммо. Образли қилиб айтганда, океан орти мамлақати учун асл хавф-хатар Канада «бўрсиги»дан эмас, рус «айиги»дан...

Гарблик сибастонлар хавотирланганича бор. Агар бугунги вазиятда Канада ва АҚШ ўзаро рақобатда давом этса, Россия жуда узоққа бориши мумкин. Канада БАРИБИР шимолий кутб ерларни бир ўзи назорат қилолмайди. Уз навбатда Кўшма Штатлар учун ҳам бўлинган дунёни қайта бўлиш операциясида ёрдамчи зарур. Шундан келиб чиқиб, АҚШ ва Канадани Арктика рақобатига ихтиёрли-мажбурий иттифоқчилар деб аташ мумкин. Иттифоқ занкири қанчалик мустақамлиги ҳақида аниқ айтиш қийин, лекин қўзланган марра ҳар икки томон учун катта манфаат келтиришини тахмин қилиш бўлади. Чунки ёввойи отни биринчи бўлиб қўлга қиритган унинг соҳибига айланган каби Шимолий биринчи бўлиб назоратга олган давлат унинг бойликларига эгалик қилади.

Абдул СОБИР

ТАЖРИБА

# Жиноятчи юз ифодаси орқали аниқланади

АҚШ миллий хавфсизлик департаменти хавфсизликни сақлаш, терроризмга қарши курашни кучайтириш мақсадида янги текширув жараёнини жорий этишни режалаштиряпти.



Чегара ўтиш ҳудудлари мазкур текширув ускуналари билан жиҳозланади.

Бунга кўра, Кўшма Штатларга кириб келаётган хорижий фуқароларнинг юз, кўз ифодаси лазер сканерлари ёрдамида тасвирга олинади ва компьютер воситасида тадқиқ қилинади. Янги дастурга мувофиқ, кишилар ички руҳий олами ифодаси бўлган ташқи кўриниш воситасида кишиларнинг кўзлаётган мақсади аниқланади. Шу билан бирга ташриф буюрувчиларнинг қон босими, юрак уриши ҳам алоҳида текширилади. Махсус компьютер лахзада қабул қилинган маълумотларни ўрганиб чиқади ва ахборот базасидаги мезонлар асосида жиноят қилиши эҳтимоли бор шахсларни кўрсатиб беради. Ҳозирга қадар қўлла-нилатган курик жараёнида кишиларнинг қурол ёки бошқа хавfli воситалари бор-йўқлиги аниқланади. Янги тизим эса жиноят қуролга эга, бевосита унинг ижросисига эътибор қаратади.

Калифорниялик психолог Пол Экман бундан бир неча йиллар муқаддам юз

ифодаси орқали кишининг яширин ҳис-туйғуларини аниқлаш мумкинлиги тўғрисидаги қарашларни илгари сурганди. Инсон кўп ҳолларда ички ҳиссиётларини юз ифодаси, кўз қарашлари билан фож қилиб қўяди, чунки у ўзини беихтиёр назорат қилолмай қолади, деган фикрга асосланган бу қараш кейинроқ бир қанча тажрибалардан кейин ижобий натижаларни берди. Миллий хавфсизлик департаменти янги текширув усулини амалга татбиқ этишда ана шу илмий қарашларга сунмоқда.

Миллий хавфсизлик департаменти матбуот қотиби Ларри Орлуский янги дастур тез ҳамда самарали ишлашига ишонч билдирган. Биринчидан, текширув ташриф буюрувчи билдирмасдан ўтказилади. Бу эса кишиларни руҳий ҳолатига таъсир этмаган ҳолда қўриқдан ўтказиш имконини беради. Иккинчидан, лазер сканер воситасида текширув жуда қисқа вақт ичида олиб борилади ва бу жараён тигиз йўловчилар қатновини тўхтатмайди ҳам. Миллий хавфсизлик департаменти ушбу курулмаларни 2010 йилдан бошлаб ўрнатишни режалаштирган. 2021 йилга бориб эса АҚШдаги барча

ширув тизими айрим мутахассисларнинг салбий муносабатига ҳам сабаб бўляпти. Масалан, британиялик мутахассис Питер Макоуэн жиноятчининг ички ҳолати, ҳис-туйғуларини белгилловчи умумий хусусиятларни жамлаш жуда қийин кечиси, ер юзидagi минглаб одамларнинг феъл-атвори дунёқараш турлича эканини айтган.

Хартфордшир университети тадқиқотчиси Керолин Даутэнхан эса аэропортда ҳамма ҳам ҳаяжон ҳолатида бўлишига эътибор қаратган: кимдир чарчайди, кимдир қадрдони билан хайрлашиб кайфи тиб бўлмади, яна кимдир уйда қолаётган фарзандларидан ташвишга тушди... Олимнинг хавотирига кўра, кишиларнинг руҳий изтироб ҳолатида бўлиши текширув жараёнида уларга нисбатан асоссиз шубҳалар пайдо бўлишига олиб келиши ҳам мумкин.

ТИЗИМНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ОСОН КЕЧ-МАСЛИГНИ ТАМ ОЛГАН Миллий хавфсизлик департаменти вакили маълум вақт ўтиши билан янги текширув жараёни мамлакат хавфсизлигини кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлаган.

МУСОБАҚА

# Дипломатлар майдонда беллашишди

Тошкент вилоятининг сўлим ва баҳаво дам олиш гўшаси Чимёнда «Пахтакор-79» жамоаси хотирасига бағишланган VIII халқро футбол турнири бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон футбол федерацияси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда «Алгоритм» очик акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилди. Турнирда «Ўзқабель», «Фортуна» (Самарқанд), «Пахтакор» «Алгоритм-1», «Алгоритм-2» каби фахрийлар жамоалари, шунингдек, Германия, Россия, Исроил, АҚШ, Франция каби хорижий элчихоналар терма командалари иштирок этди.



«Алгоритм» спорт соғломлаштириш оромгоҳида дипломатлар иштирокида ўтган бу галги анъанавий турнир ҳам қизиқарли ва эсда қоларли лаҳзаларга бой бўлди.

Одатда дипломат деганда осоийшта хонада ўтириб, сиёсий масалалар билан шуғулланувчи кишилар тасаввур қилинади. Лекин халқро турнир давомида дипломатлар ўзларининг аjoyиб ўйинлари билан яхшигина футболчи эканликларини ҳам намойиш эта олдлар. Танлов якунига кўра, майдон эгалари — «Алгоритм-1» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. АҚШ элчихонаси жамоаси эса иккинчи ўринни банд этди. Исроил элчихонаси термаси ва «Пахтакор» фахрийлар жамоаси эса учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Турнирда, шунингдек, «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши химоячи», «Энг яхши тўпурар», «Энг яхши ҳужумчи» каби номинацияларда ҳам голиблар номи аниқланди.

ХАЛҚАРО ВОКЕАЛАР  
**GLOBUS**  
INTERNATIONAL LIFE

ДАЛИЛ  
Жазоирдаги Сиди-бел-Аббос мавзесида сиёҳли кўл мавжуд. Кўл суви билан бемалол қозға ёзиш мумкин.

МУНОСАБАТ

Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади, дейди доно халқини. Баҳамжиҳатлик, бирдамлик билан тузилган режа ва иш яхши натижа бериши шубҳасиз. Ва бундан бутун жамоа баҳраманд бўлади. Аксинча бўлса-чи?

# «ҲИМОЯ-ЖАРАЁН»га «тоза ҳаво» керак

ёхуд газета атрофидаги «можаро»лар хусусида

Гапни узоқроқдан бошлаганимизнинг боиси бор. «Адвокат-пресс»нинг вориси бўлган «ҲИМОЯ-ЖАРАЁН»нинг ташкил этилганига гарчи қарийб саккиз ой бўлаётган бўлса-да, боши ташвиш ва ғавғода чиқмай қолди. Янги газета бир ёқда қолиб, асосий фаолият ишлаган ва ишлаётган ходимларнинг интернет сайтларидаги «мушталашув»дан иборат бўлиб қолди. Газета ходимларини бугун уч гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ дастлаб фақат Дилмурод Сайиддинга иборат бўлган бўлса, унинг сафига кейинчалик газетада аввал махсус мухбир бўлган, сўнгра қисқа муддат «ҲИМОЯ-ЖАРАЁН»га бош муҳаррирлик қилган Равшан Бобомухаммад ҳам қўшилди. Бу икаласини қўшиб шартли равишда «алам-задалар» деб ҳам аташ мумкин. Иккинчи гуруҳга «Адвокат-пресс»га бош муҳаррирлик қилган, айни пайтда «ҲИМОЯ-ЖАРАЁН»га бош муҳаррир ўринбосари сифатида хизмат қилаётган Р.Гапиров раҳнамолик қилляпти. Р.Гапиров ўзини бош муҳаррирдан кетишига асосий сабабчи қўшиб Сайиддин деб ҳисоблайди ва биринчи гуруҳга ана шу асосда муносабатда бўлади. Учинчи гуруҳни шартли равишда «бетарафлар» деб аташ мумкин. Улар янги ишга келганлар ёхуд аввал ишлаган бўлсалар ҳам тарафқашликка қўшилмаганлар. Айни пайтда кураш асосан биринчи ва иккинчи гуруҳ ўртасида рўй берапти. Муассислар ҳозирча газетага «бетарафлар» орасидан бош муҳаррир қўйиб тўғри йўл тутишга кўринади. Чунки бу жуда ҳам очик йўл. Лекин шундай бўлса-да, интернет сайтларидаги муносабатлар асосий сабабчи бўлиб олишига ҳам улгурган «Адвокат-пресс»чиларнинг асосий моддий манба ва сабабларини эҳтимол ана шу ердан излаш керакдир?!

Биз айтган гаплар — сезилганлари, билинмаган, сезилмаганлари — пинҳон тугилганлари қанча экан? Майли, шу ерда тўхта қолмайлик. Чунки бу бизнинг вақолатимизга қарийди. Лекин бизни ҳаммадан ҳам ҳар иккала тарафининг адолат ва ҳалолликдан тинмай лоф уришаётгани ажаблантиради, ҳолос.

МАРАТ ДИЁРОВ  
Манба: www.gorizont.uz

# Ижтимоий ҳамкорлик кенгаймоқда

Юртимизда демократик кадриятларни ошириш ва фуқаролик жамияти асосларини камол топтиришда ижтимоий ташкилотлар — Нодавлат но-тижорат ташкилотларининг ўрни беқийс. Бугун турли йўналишларни ўз ичига қамраб олган қатор хорижий ва маҳаллий ННТлар юртимизда фаолият олиб бормоқда. Мазкур ННТлар фаолияти турли жабҳаларни — маърифат, соғлиқни сақлаш, экология ва ижтимоий йўналишдаги бошқа муаммоларини ўз ичига қамраб олади.

Т. ТУХТАСИНОВ  
ФЖУИ илмий ходими

Қуни кеча Тошкент вилояти ҳокимлигининг кичик мажлислар залида «Маҳаллий ҳокимият органлари ва ННТлар орасидаги ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур давра суҳбати Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг (ФЖУИ) Тошкент вилояти филиали ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент вилояти филиали мазкур йўналишда фаолигини тобора ошириб бормоқда. Маълумки, Тошкент вилоятида нафақат қишлоқ ҳўжалиги, балки сананоат марказлари ҳам жойлашганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депу-

татлари М. Қориева, Х. Назаров, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Ф. Акбарова, шунингдек, вилоят адлия бошқармаси, сиёсий партиялар, «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ЁИХ, Савдо-саноат палатаси вакиллари, Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган ННТлар, вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг туман, шаҳар бўлимлари раислари, ОАВ вакилларидан иборат жами 40 дан ортиқ киши иштирок этди.

Тадбирда Тошкент вилоят адлия бошқармаси вакили Х. Расуллов «Ўзбекистонда ННТлар фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари» ва уларни қўллаб-қувватлашда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Ф. Акбарова «Тошкент вилоятида фаолият юритаётган ННТларнинг вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари», Фуқаролик жамиятини ўрганиш ин-

ституту Тошкент вилояти филиали катта илмий ходими З. Тошевва «Тошкент вилоятидаги ННТлар ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари» мавзусини қўриқди. Лекин халқро турнир давомида дипломатлар ўзларининг аjoyиб ўйинлари билан яхшигина футболчи эканликларини ҳам намойиш эта олдлар. Танлов якунига кўра, майдон эгалари — «Алгоритм-1» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. АҚШ элчихонаси жамоаси эса иккинчи ўринни банд этди. Исроил элчихонаси термаси ва «Пахтакор» фахрийлар жамоаси эса учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоати моддий кўмағига тайёрланди.  
Лойиҳа: «Демократик жамият курилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаолигини ошириш масалалари».

